

Чала олимнинг зарари



11:04 / 12.12.2020 7381

Чала олим одамлар учун жоҳилдан ҳам зарарлироқдир. Жоҳил гап-сўзида, ишида хатога йўл қўйиши мумкин. Унинг хатоси юзага чиқади. Аммо чала олимнинг хатари жуда катта бўлади...

Чала табибнинг қўлида беморлар ҳалок бўлади.

Чала қурувчи туфайли бинолар қулайди.

Чала қози туфайли ҳақ-ҳуқуқлар поймол бўлади.

Чала дорихоначи... чала муаллим... чала эркак... чала мудир... чала мутахасис...

Бу кабиларнинг ношудлиги натижасини тасаввур қилаверинг.

Чала муллага келадиган бўлсак, унинг хатари ҳаммасидан ошиб тушади.

1. Бундай одам ҳақли бўлмай туриб, фатво беришга журъат қилади. Шу иши билан ўзини дўзахга отади. Доримий ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фатвога журъатлироғингиз – дўзахга журадлироғингиздир», деганлар.
2. Ишларни ўз ўрнига қўймайди.
3. Фойдасидан зарари кўп бўлади.
4. Айрим нарсаларни хато тушуниб олиб, уни одамларга илм деб, тўғри деб тақдим қилади. Оқибатда одамлар адашади, амаллари зое бўлади.
5. Одамларга ўзини олим сифатида таништиради. Ўзини тўғри деб, ҳақиқий уламоларни хатода айблайди.
6. Маслаҳат сўралса, нотўғри кўрсатма беради.
7. Маълумотларни бузиб, чала тақдим қилади.
8. Одамлар уни ўзларига бош қилиб олишса, мағрурланиб кетади. Савол сўрашса, билса-билмаса жавоб бераверади, «билмайман» дейишдан уялади. Бир ҳикматда «бошлиқ бўлишдан олдин илм ўрганинглари», дейилган. Тақводор одам эса «билмайман», дейишдан хижолат чекмайди.
9. Ҳаммаёқни қориштириб юборганидан илм аҳли ундан безиб, узоқлашади.
10. Бунинг давоси доимий, мунтазам равишда илм олишга интилишдир. Аллоҳ таоло: «Роббим, илмимни зиёда қилгин», дегин» , деган (Тоҳа сураси, 114-оят). Илми етарли бўлмаган кўп гапдан тилини тийиши, бирор нарсани қила олмаса, бу ишни тарк қилиб, қўлидан келадиган ишга ўтиши керак...

Доктор Муҳаммад Содиқ Дарвиш

Таржимон Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф